

**Яхши кишилар бирла тутар бўл суҳбат,
То бергай амон шарирдин ул суҳбат.**
Алишер Навоий

Мулоқот

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Самарқанд шаҳрида сайёҳлик сафарида бўлиб турган Россия Федерацияси касаба уюшмалари вакилларидан иборат делегация **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгашига ташир**иф буюрди.

Учрашувда меҳнат-кашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, меҳнат муносабатларида замонавий ёндашувларни жорий этиш борасида тўпланган тажриба ўртоқлашилди. Шунингдек, туризм соҳасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Кенгаш раиси Суҳроб Рафиқов вилоятда ишчи-ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъмин-

лаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди. Меҳмонларда касаба уюшмалари тизимида рақамлаштириш, мурोजаатлар билан ишлаш ва санаторий-соғломлаштириш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, томонлар ўзаро тажриба алмашиш, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш ва келгусида қўшма тadbирлар ташкил этиш юзасидан фикр алмашди.

Россиялик вакиллар Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг бошланғич касаба

уюшмаси ташкилоти фаолияти билан танишдилар.

Учрашувда сўз олган «Ростелеком» ҳудудий касаба уюшмалари Екатеринбург шаҳар кенгаши раиси Юлия Сверина, «Баш РТС-Стерлитамак» бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раиси Татьяна Бойцова ва бошқалар Самарқандда сўнгги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига, туризм инфратузилмасининг жадал ривожлантириш ҳамда тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ишларга, қўйи касаба уюшмалари фаолиятига юқори баҳо бердилар. Шунингдек, келгусида ҳам амалий ҳамкорликни изчил давом эттиришга тайёр эканликларини билдиришди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Мажлис

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ҳодимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгашининг навбатдан ташқари кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Республика кенгаши раиси ўринбосари Н.Дехқонов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосарлари Ҳ.Бешимов ҳамда А.Акрамова ҳам қатнашди.

ФАОЛИЯТ ЯНАДА РАВНАҚ ТОПАДИ

Йиғилиш кун тартибидан соҳа касаба уюшмаси тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотлар таҳлили, ҳудудий бўлинмалар фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштириш ҳамда галдаги устувор вазифаларни белгилаб олиш каби муҳим масалалар ўрин олди. Сўзга чиққанлар ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазасини кучайтириш ва тизимга янгича иш усулларини жорий этиш борасидаги долзарб вазифаларга

алоҳида тўхталиб ўтдилар. Мажлисда кўп йиллар шу соҳада ишлаб, жамоада юксак обрў-эътибор қозонган Д.Камилова нафақага чиқиши муносабати билан иштирокчилар унинг сермахсул фаолиятига юқори баҳо бериб, меҳнатларини мамнуният ила эътироф этдилар. У аёл раҳбарлик қилган даврда вилоятда тармоқ аъзоларининг ҳуқуқий ҳимояси янги босқичга кўтарилганини, унинг инсоний янгича иш усулларини жорий этиш борасидаги долзарб вазифаларга

яшаши кўплаб ёш мутахассислар учун ҳақиқий ибрат мактаби вазифасини ўташини таъкидладилар. Кенгаш аъзолари бўшаган раислик лавозимига Парвез Ачилов номзодини илгари суришди ва бир овоздан маъқуллашди. Тажрибали ва ташаббускор кадр сифатида эътироф этилган янги раҳбар келажакда вилоят бўлинимаси ишини янада ривожлантиришига ишонч билдиришди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»



Тadbир

ларни тadbиркорликка жалб этиш, касб-ҳунар ўрганиш имкониятлари, имтиёзлар ва ижтимоий ҳимоя масалалари хусусида атрофлича тушунтиришлар берилди. Шунингдек, иштирокчиларнинг таклиф ва ташаббуслари тингланди.

– Учрашув биз учун фойдали бўлди, – дейди Мафтунахон Аҳмаджонова. – Ўзимизни қизиқтирган саволларга мутасаддилардан жавоблар олдик. Айниқса, меҳнат ҳуқуқлари ва иш билан таъминлаш масалалари бўйича берилган маълумотлар биз учун фойдали бўлди. Билмаганларимизни билиб олдим. Фикримиз эшитилаётгани бизга катта руҳ ва ишонч беради.

Шоҳсўлтон ТЎХТАМАТОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарона вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

БИЛМАГАНИМНИ БИЛИБ ОЛДИМ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашида ёшлар билан очиқ мулоқот ташкил этиш анъанага айланган. Жумладан, ҳар пайшанба кuni ўтказилаётган «Раҳбар ва ёшлар учрашуви» навқирон авлоднинг фикр ва таклифларини тинглаш, уларни ўйлантираётган муаммоларга биргаликда ечим топишда муҳим майдон бўлмоқда.

Навбатдаги ана шундай мулоқот кенгаш биносига бўлиб ўтди. Унда юзга яқин йигит-қизлар иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича мутасаддилар билан бевосита мулоқотда бўлдилар. – Янги Ўзбекистонни билимли, ташаббускор ва фидойи авлодсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биз учун ҳар бир ўсмирнинг тақдири, муаммоси

ва орзу-интилишлари муҳим. Касаба уюшмалари уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва муносиб иш шaroитларини яратишда доимо елкадош. Энг муҳими, ёшлар ўз муаммоси билан ёлғиз қолмаслиги керак, – деди кенгаш раиси Эркинжон Нуралиев. Учрашувда меҳнат ҳуқуқлари, муносиб иш ўринлари яратиш, йигит-қиз

Спорт

ЎҚИТУВЧИЛАР ЯНА МАЙДОНДА

Навоий вилоятида «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида «Соғлом танда – сифатли таълим» шиори остида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кубоги учун уюштирилаётган спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ўқитувчилар спортнинг волейбол, футбол, шахмат, шашка ва стол тенниси турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

– Мусобақанинг вилоят босқичида 319 нафар ўқитувчи иштирок этаётгани жойларда жисмоний тарбия ва спорт тора оммалашиб бораётганидан далолат беради, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши раиси Назира Тоғаева. – Беллашувлар муросасиз ва фидойи авлодсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биз учун ҳар бир ўсмирнинг тақдири, муаммоси

Нафиса ҲАБИБУЛАЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши мутахассиси

Саёҳат

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан сўнгги йилларда амалга оширилаётган тизимли ислохотлар нафақат меҳнат жамоаларидаги ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлаш, балки ҳодимларнинг маданий дам олишини ташкил этиш, уларнинг юртимиз тарихи ва маънавий мероси билан яқиндан таништириш учун ҳам кенг имкониятлар яратмоқда. Айниқса, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига уюштирилаётган саёҳатлар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ШАРОФАТИ

Эзгу ташаббуснинг амалий ифодасини Сурхондарё вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, яқинда 100 нафар касаба уюшмаси аъзоси ва фаоллари қадимий ва бетакрор Хива ҳамда Урганч шаҳарларини зиёрат қилиш имкониятига эга бўлишди. Саёҳат давомида сурхондарёликлар Ичан қалъани ми-

риқиб томоша қилишди. Қалъа ичидаги Муҳаммад Раҳимхон, Оллоқулихон медресалари, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Қалта Минор мажмуаси, Кўҳна Арк, Тошқовли қароргоҳлари барчани ўзига мафтун этди. Асосийси, иштирокчилар ўзларига кўрсатилган бундай юксак эътибор ва имкониятдан чексиз миннатдор эканликларини билдиришди.

Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси ҳамшираси Нафиса Усмонова эса таассуротларини кўйидагича изоҳлади: – Tadbир орқали мазмунли дам олиб, маънавий хордиқ чиқариш баробарида Хоразмнинг тарихий обидалари, бой маданий мероси ва диққатга сазовор масканлари билан ҳам яқиндан танишдим. Бунинг учун касаба уюшмалари раҳбариятига миннатдорлик билдираман.

Саёҳат ҳар бир иштирокчи қалбида Ватанга бўлган муҳаббат ва фахр туйғуларини янада юксалтириб, нуқтилас таассуротлар қолдирди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

**Касаба уюшмаси
аралашгач...**

СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

Ҳар бир ходим меҳнатига яраша ҳақ ва рағбат олишга ҳақли. Айниқса, қонунан белгиланган имтиёз ва тўловлар барчага тенг татбиқ этилиши керак. Афсуски, айрим ҳолатларда меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши ҳодимни ҳақиқат излаб турли идоралар эшигини қоқишга мажбур қилмоқда. Қуйидаги ҳолат эса ҳодимлар манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг нақадар муҳим эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Халқаро хотин-қизлар кuni муносабати билан Жиззах вилояти туризм бошқармасининг барча ҳодимларига базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда мукофот пули ажратилди. Аммо бошқарма бош юрисконсулти З.М.га мазкур маблағнинг ярми тўланди. Бундан норози бўлган ходим Туризм қўмитасига мурोजаат қилди. Барбир масала ижобий ечим топмади.

У март ойида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашига келди. Маълум бўлишича, 2025 йил 10 декабрда қўмита тизимидаги ўзгаришлар оқибатида З.М.нинг лавозими қисқартирилиб, 0,5 ставкага ўтказилган экан. Бундан ташқари, унинг саломатлиги ёмонлашиб, жорий йилнинг 20 мартига қадар даволанишда бўлган. Бу ҳолат вақтида меҳнат шартномасига тегишли ўзгартишлар киритишга тўсқинлик қилган. Шунга қарамадан, қўмита томонидан унга тўланиши лозим бўлган мукофот пули қамайтирилган.

Муаммога ойдинлик киритиш мақсадида З.М. бухгалтерияга юзланди. Аммо у ердагилар «Суднинг ҳал қилув қарори бўлса, тўлаб беримиз» дейишди.

З.М.эса судга эмас, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашига мурोजаат қилишни маъқул топди. Кенгаш томонидан вазият атрофлича ўрганилиб, Туризм қўмитаси ҳамда Жиззах вилояти туризм бошқармасига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди.

Пировардида ходимнинг ҳақли талаби қондирилиб, унга 2 миллион 60 минг сўм қўшимча маблағ тўлаб берилди.

Сардор МЎМИНЖОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши меҳнат-ҳуқуқ инспектори

Семинар

Агросоанот мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти ташкилоти фермер хўжалиқларининг бошланғич касаба уюшмаси қўмиталарида семинар ўтказди.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ИШЧИСИ ҲАМ ҲИМОЯДА

Вилоят ташкилоти таркибида 480 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, уларнинг 185 тасини ҳудудий фермер хўжалиқлари касаба уюшмалари ташкил этади. Ушбу тузилмалар 12 минг 600 га яқин фермер хўжалиқларини бирлаштириб, 150 мингдан ортиқ ишчи-ҳодимнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда.

Семинарда асосий эътибор Меҳнат кодекси талабларини фермер ва деҳқон хўжалиқларида кенг тушунтиришга қаратилиб, пудратчи, сувчи ва ёрдамчи ишчилар билан тузилган фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларни меҳнат шартномаларига ўтказиш, жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Шу жараёнда ижтимоий шериклик яхши йўлга қўйилган фермер хўжалиқларида ҳодимлар, уларнинг оила аъзолари, хотин-қизлар, ёшлар, пенсионерлар ва ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида аҳамият берилаётгани таъкидланди.

Tadbирда Президентимизнинг 2026 йил 8 майда қабул қилинган «Пахта ва бугдой етиштирувчиларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тadbирлари тўғрисида»ги фармонининг аҳамияти ҳақида ҳам сўз юритилди. Унга қўра, пахта ва бугдой етиштирувчиларга ажратилган имтиёзли кредитлар бўйича фоиз тўловларининг бир қисми давлат томонидан компенсация қилиниши белгилангани фермерларни қўллаб-қувватлашда муҳим қадам сифатида баҳоланди.

Жамоа шартномаларида меҳнатга ҳақ тўлаш, қўшимча таътиллار бериш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ижтимоий кафолатлар яратиш, ҳодимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш каби масалаларга кенг ўрин берилмоқда. Бу эса ишчи-ҳодимлар даромадлари ва ижтимоий ҳимоясини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки
Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

Амир Тему́р



Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети ректори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Тахминан 120–150 йил аввал ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида пахта саноат миқёсида экилмаган. Аҳоли, асосан, боғдорчилик, деҳқончилик ва полиз маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланган.

1861-1865 йилларда АҚШда Шимол ва Жануб штатлари ўртасида бўлиб ўтган фуқаролар уруши тufайли куллик тизими тўлиқ бекор қилинади. Алабама, Жоржия, Арканзас, Техас, Луизиана, Миссисипи каби жанубий штатларда пахта ишлаб чиқариш кескин камааяди. Чунки пахта плантациялари, асосан, куллар меҳнатига таянган эди. Ҳабаш куллар озод этилади. Бунда АҚШнинг 16-Президенти Линкольннинг ҳиссаси бекиёсдир. Оқибатда жаҳон бозорида пахтанинг нархи кескин ошиб кетади ва дунё бўйича «пахта очарчилиги» юзага келади.

Ўша даврда Россия империяси АҚШ пахтасининг энг йирик харидорларидан бири бўлган. Бутун дунёга пахтанинг учдан икки қисмини етказиб берган Америкадан эндиликда пахта олиб келиш қимматлашиб, иқтисодий жиҳатдан мураккаблашгач, Чор Россияси Туркистон ўлкасига экспансия қилган. Минтақанинг иқлими, ери, пахта етиштириш учун қулай бўлгани, энг муҳими, халқи меҳнаткашлиги боис ҳудудимизга пахта уруғларини олиб келишган ва ушбу соҳани ривожлантириш бошланган. Бу сиёсат собиқ СССР даврида энг авжига чиқди. Айнан шу даврдан бошлаб, пахта ўзбекнинг шўр пешонасига дард бўлди, боло бўлди, чипқон бўлди.

Дастлаб пахта экиш ишлари Фарғона водийсида бош-

ГАРАША ҲАҚИДА НИМАЛАР МАЪЛУМ ЭДИ?

Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги қадимий Гараша қишлоғи ҳақида кўплаб китоб ва мақолалар ёзилган. Бу гўша тарихи Мавлоно Муҳаммад Шариф ҳазратлари номи билан боғланган. Манбаларда ул зот Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг шогирди бўлгани ва XII асрда яшагани қайд этилган.

Шу ерлик тарихчи олим Файзулла Толипов ва Даврон Зиёдуллаевнинг қишлоқ ўтмишига бағишланган асарида Гирекхушоҳ тўғрисида маълумот берилган. Форсча бу атама тугунни очиш (масалани ечиш) маъносини билдиришига қараганда, бобомиз шариат ва тариқат масалаларини очиқлаб берувчи шахс бўлган.

Бинобарин, Саидмурод ҳожи Толипов ўзида вақтинча сақланган иккита «Вақф» ҳужжатини 2001 йилда Маданият ва спорт ишлари вазирлигига тақдим этган. Уларни ўрганиш натижалари асосида «Фориш тонги» газетасининг 2010 йил 17 июлдаги сонида «Жондахор ота зиёратгоҳи» сарлавҳали мақола chop этилган. Унда иккала ҳужжат тўғрисида маълумот келтирилиб, кейингисида «ҳижрий 909 (милодий 1503) йилда Мавлоно Гаришoҳ авлодидан бўлмиш шахсга... (ўқиб бўлмади) Сўғди Калон туманидаги қишлоқ ва ердаги суюрғол тарзда тақдим этилган» дейилган. Бу маълумотлар тарихчи олимларимизнинг бир нечта китобига киритилган. Шунингдек, иккала ҳужжат бўйича чуқур изланишлар олиб бориш юзасидан кўрсатмалар берилган.

Яна бир ҳужжат 1992 йили самарқандлик тарихчи олим Ботурхон Валихўжаев томонидан ўрганилган. Шу муносабат билан унга зарур маълумотларни тақдим этган Эшон Лутфуллаев ўз қаламига мансуб китобда иккинчи «Вақф» ҳужжати ҳақида «Гараша қишлоғидаги Мавлоно Муҳаммад Шариф номидagi Хонақоҳ ҳисобига, яъни атрофидаги бир қанча қишлоқларнинг номлари ва деҳқончилик қиладиган ерларидан келадиган даромадларини Хонақоҳ ҳисобига, у ердаги дарвешлар, қаландарлар, гарибу мускинларни боқиш учун суюрғол қилиб берилади», деб ёзган

Аслида қандай бўлиши керак?

Биз ушбу ҳужжатни мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўрганганимизда у Мавлоно Гаришoҳ қаддасалоҳу сирраҳу Қутб-ул Малик номига, яъни ул зотнинг авлодларидан бирига эмас, балки Қутблар шоҳи Мавлоно Муҳаммад Шариф Гаришoҳнинг ўзига берилгани аниқланди. Келинг, энди бобомиз исмининг маъносига тўхталамиз:

Мавлавия – сўфийлик тариқати. Унга тахминан 1240 йилда Жалолиддин Румий Қўна шаҳри (Қичик Осиё)да асос солган. Румийни қўнинча «мавлоно» («жаноб») деб аташган (Манба: Ислам энциклопедияси). Мавлоно Гаришoҳ Туркиянинг Руми (ҳозирги Қўна) шаҳрида Мавлавия (мавло) тариқати бўйича таълим олган.

Гаршнoҳ. Форс-тожик тилида гари – дарвеш, шоҳ – ҳукмдор, раҳнамо маъноларини билдиради. Адабиётларда, хусусан, тасаввуфга оид асарларда кўпинча рухий оламда юксак, аммо ташкил кўринишидан камтар (дарвеш) шахсларга нисбатан ишлатилишда ҳамда «Дарвеш шоҳ» ёки «Шoҳ дарвеш» иборалари билан мазмунан бир хил ҳисобланади.

Қаддасалоҳу сирраҳу – «Аллоҳ сирини муқаддас қилсин» маъносида келган ва вафот этмаган шахсларга нисбатан қўлланилган.

Қуддиса сирруҳу – «унинг сирн муқаддас қилинди», дегани бўлади. У вафот этган ориф зотларнинг маънавий даражаси юқори эканлигини билдиради.

Қутб – тасаллалоҳу алайҳи ва салламвудаги энг юқори даража. Тасаллалоҳу алайҳи ва салламвuf фалсафасига биноан, Қутб комил инсон. Сўфийликда Қутб ва у сингари юқори мартабаларга эришган зотлар бўлиб, дунёда бир вақтнинг ўзида фақат **бир Қутб** яшаши мумкин, деб ҳисобланган. Шу боис Қўтбни «замон қутби», «замон соҳиби» ва «замон марди», деб тавсифлашган. (Манба: Ислам энциклопедияси).

Малик (арабча.– малик. Ай қишига нисбатан малика) – арабча монархия унвони. Малик унвони одатда «Шoҳ», деб таржима қилинади.

Хулоса шунки, ушбу «Вақф» ҳужжати Қутблар шоҳи Мавлоно Муҳаммад Шариф Дарвеш Шoҳга берилган. Ул зот дарвешлар раҳнамоси, етакчиси, шайхи бўлган ва XII асрда эмас, XV аср охирида ҳозирги Гараша қишлоғига келиб, XVI асрнинг 30-йилларигача яшаган.

ЖОНДАХОРМИ ЁКИ ЖАНДАРИ?

Ф.Толиповнинг монографияси ва Гараша ҳақидаги эсдалик китобда ёзилишича, Муҳаммад Шариф бобомиз Гараша қишлоғига келганда илк қадамжоси саналган муқаддас бу-

КЎҲНА ГАРАША ҲАҚИДА ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР



лоқ Жондахорота зиёратгоҳи деб аталиб, давлат рўйхатига олинган. Ҳойбуки, азиз авлиёларнинг қадами етган жой «қадамжo» дейилади, қабр бўлмаган жой зиёратгоҳ ҳисобланмайди. Боз устига, «Жондахор» атамасининг таржимаси ва маъноси форс, араб тилларида йўқ.

Суриштирувларимиз жараёнида Гараша қишлоғи жоме масжиди имоми Илҳомхон Шамсиевда сақланаётган иккита «Вақф» ҳужжатидан ташқари, вақтинча сақланган яна бир манба кейинчалик ўрганиш учун бериб юборилгани маълум бўлди. У ҳозир кимда эканлиги номатлум. Айтишларича, унда Қутб ул-Малик Мавлоно Муҳаммад Шариф Дарвеш Шoҳ билан бирга, динни ёйиш мақсадида Гарашага келган қирқ нафар дарвеш ва бир нафар тансоқчининг исм-шарифлари келтирилган.

Устки кийим ўрнида «жанда» кийиб юргани бобокалонимиз қаландар-дарвешлар раҳнамоси, етакчиси, пири (шайх) бўлганидан далолатдир. Шу боис булоқ аҳоли томонидан Жандариота чашмаси, деб номланган. Бобомиз – жанда кийган ота, булоқ – жанда кийган отанинг чашмаси, умумлаштирган ҳолда эса, бу ер Жандариота деб аталган.

Жандариота – эски, ямоқли кийим кийган дарвешлар пири, тақводор, дунёдан кечиб, Аллоҳга боғланган улуг авлиё деган маънони англатади. Гараша аҳли эса чашмани олдиндан Жандариота, деб келган.

«ГАРАША» ОЙКОНИМИГА ШАРҲ

Аввалги манбалардан бирида «Гараша» форсча бўлиб, гара (қора) ва ша (сой) сўзлари қўшилишидан ҳосил бўлгани, қора сўзи форс тилида кара, гара тарзида, сой сўзи эса чай, шай, ша тарзида қўлланилгани, Қорасой сўзи қарачай, гарашай, гараша шақлларида ишлатилаётгани, Гараша – Қорасой ёки Каттасой маъносини ифодалаши қайд этилган. Юқоридagиларга асосан аждоқларимиз қишлоқни дастлаб Гари Шoҳ (Дарвеш Шoҳ) деб атаган бўлишлари, кейинчалик бу атама бузилиб, Гарашага айланигани эҳтимолдан холи эмас. Масалая шу нуктаи назардан қараганда, қишлоқни «Қорасой» ёки «Катта сой», деб аташ ноўрин бўлади.

ҚАБРОТШЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Гарашанинг эски қабристонидagi қабртошлардаги ёзув ва саналар Муҳаммаджон ва Зулфиқор Муродовлар, Тоҳир-

Шунинг учун ҳам пахта энди аввалгидек мамлакат иқтисодиётининг яғона таянчи эмас. Демак, уни давлат рамзларидаги мутлақ устувор белги сифатидаги ўрнини қайта қўриб чиқиш лозим.

Албатта, қишлоқ ҳўжалиги муҳим, лекин бутунги давлат бу умуман бошқа давлат, бутунги давлат бу ўн беш-йигирма йил олдин бўлган давлатдан жуда катта фарқ қилади. Энг асосийси, биз 20, 30, 50, 100 йилдан кейин қандай давлат бўлишимиз нуктаи назаридан келиб чиқиб, давлат рамзларимиз шаклланиши керак.

Давлат рамзларимиз эса собиқ Иттифoқда бўлган пайтимизда бизга берилган специализациядан келиб чиқиб шаклланган ва Мустақилликнинг дастлабки йилларида шошиб қабул қилинган баъзи қарорларнинг намуналаридан биридир.

Мен Қудратилла Мирсоатовичнинг фикрига тўла қўшиламан ва ҳаммани бу гоёни қўллаб-қувватлашга қақираман.

Бу ташаббус келажакка қўядиган қадамларимизга жуда катта бир туртки бўлади. Дарҳақиқат, ҳар бир давлатнинг герби бу ўша мамлакатнинг орзу, мақсад ва интилишларини акс эттириши лозим. Шу жумладан, бизнинг жонажон гербимиз ҳам. У янги давлатнинг янги режаларини, янги гоёларни ва Янги Ўзбекистонимизнинг 100 йилдан кейинги порлоқ келажagini намoён этмоғи зарур. Нафақат герб, балки яна бошқа муҳим масалаларни ҳам қўриб чиқиш даври келди. Ҳали Истиқлол моҳияти англамаган ҳолатда нотўғри қарорлар қабул қилинган, хусусан, фуқаро сўзининг жорий этилиши ҳам шулар жумласидандир.

Умуман олганда, мақола жуда мазмунли ёзилган ва марғи бутун чиқибди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кўпчилик билмаган қирралари ёрқин ва моҳирона очиб берилибди. Сўнги 10 йилдаги энг салмоқли, тоши оғир муносабат бўлибди. Ишончим комилки, муштарийлар уни маза қилиб ўқишди.

Абдулла Қаҳҳорнинг бир гапи бор: «Яхши асар худди казига ўхшайди, чайнаган сари мазаси чиқаверади». Ақлли одам мақоладан ўзига кўп фойдали ахборот ва маълумотларни олиши тайин.

Бугун мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни қуриш бош гоёси илгари сурияпти. Мисли қўрилмаган ўзгаришлар

Муносабат



бўляпти, Учинчи Ренессанснинг пойдеворини барпо этиш йўлида жадал одимлайтиз.

Назаримда, Ўзбекистонда кўп нарсани «rebranding» қилиш пайти алақачон келди ва шундай гоёлар ўртага ташланаётганидан бахтиёрман. Зеро, бу сўз эркинлиги, мунозаралар платформаси ва Янги Ўзбекистон учун фойдали.

Ўтмишга назар

милодий 1840-1841 йиллар.
– Эшон Ҳасан Хожа ўғли Эшон Абдул Ваҳҳoб Хожа, ҳижрий 1301, милодий 1884-1885 йиллар.
– Пирмуҳаммад Хожа ўғли Ҳoфизи қуръон Маъсум Хожа, ҳижрий 1321, милодий 1903-1904 йиллар.
Энди Гараша аҳли XIV-XVI асрларда шу ҳудудда, XVIII аср охиридан XIX аср бошларигача қаерда яшагани, саййидлари қаерда умргузаронлик қилганига изoҳ берайлик.
Бобомиз Мавлоно Гаришoҳ 1632 йил вабо касалидан вафот этгач, ўғли Муқаррабшoҳ, отасининг тансоқчиси фарзандлари ва бошқалар билан тинч, сокин маскан бўлмиш ҳозирги Розмас қишлоғидаги Хўжақўрoнга қўчиб ўтади. Авлодлари XVIII асрнинг ўрталаригача ўша ерда истиқомат қилишади. Мангитлар билан Аштархонийлар ўртасидаги тахт талашишлар Хўжақўрoн аҳлига ҳам таъсир қилгач, бу маскандан қўчиб кетишади.

ГАРАША САЙЙИДЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ АВЛОДЛАРИ

Хўжақўрoн тепалиги ёнидаги эски қабристонда ўндан зиёд қабртошсиз йирик гўрлар бор. Гараша саййидлари шажарасидаги бобомиз Мавлоно Гаришoҳнинг ўғиллари Муқаррабшoҳдан то Амири Дамирмуҳаммад Ишқуллоҳгача бўлган авлодлар шу ерда яшаган бўлишлари мумкин. Чунки ҳозир ҳамқишлоғимиз Саидмурoд ҳoжи Толиповнинг фарзандларида сақланаётган Гараша саййидлари шажараси қуйидагича: Амири Саййид Муҳаммад Шариф Мавлоно Гаришoҳ Қут ул-Малик, Амири Муқаррабшoҳ, Амири Баҳоваддин, Амири Шoҳ, Амири Шарoфиддин, Амири Шoҳ Хилватий, Амири Шавқуллоҳ. Амири Саъди, Амири Шаҳобиддин, Амири Бoбoи Ҳамид Ишқуллоҳ.

Шундай қилиб, Хўжақўрoн қабристонида бошқаларидан ажралиб турадиган, атрофи тошлар билан мустаҳкамлаб, ер усти сағанаси ясалган қабрлар ичидаги битта қабрда сақланиб қолган қабртошда «Ишқуллоҳ имoми эшoни хожа Амири Дамирмуҳаммад бин Ҳамид Ишқуллоҳ» ёзуви бор. Бу Гараша саййидлари сулуки Амири Бoбoи Ҳамид Ишқуллоҳдан кейин унинг ўғли Амири Дамирмуҳаммад Ишқуллоҳ билан давом этганидан дарақ беради.

Амири Дамирмуҳаммад Ишқуллоҳнинг уч нафар ўғли бўлган:

1. **Хожа Абдурахмонни валий** (ҳозирги тақал ва беш oаишн уруларнинг бoбoси) қабри Самарқанд шаҳрининг «Хўжақишoқ» МФИда жойлашган. Бoбoмиз қабрига Абдусалимхoн ҳoжи Шoқoсимoв бошчилигида Гараша қишлоғи аҳли ёрдамида ҳайр қилиб билан мақбара тикланиб, зиёратгоҳга айлантирилган.

2. **Эшон Абдурасул хожа** (Тўққиз oаишн уруеи бoбoси) қабри эса Гараша жоме масжидининг қибла томонидаги супада жойлашган. Қабртошда «Абдурасул Хожа валади Муҳаммад Дамир Хожа, ҳижрий 1270» ёзуви битилган. Бу милодий 1853-1854 йилларга тўғри келади.

3. **Ҳoфизни қуръон Пазли (Фазли) эшоннинг** икки ўғли бўлган. Уларнинг бири – Домулла Ҳoқим эшондан «етти oғайни», иккинчиси – Рустам хожа эшондан тўрт oғайнлар тарқалган. Ҳoфизни Қуръон Пазли (Фазли) эшоннинг қабри Фориш туманининг Сайёд (Катта Богодон) қишлоғидаги Хoнақoҳнинг эски қабристониди. Унга «Ҳoфизни Қуръон Пазли эшон валади Дамирмуҳаммад Раҳим Ҳoфизни Қуръон валади Ҳамид Раҳимхoн» шарифи битилган. Санаси ҳижрий 1201, милодий 1787-1788 йиллар. Ёнидаги қабрда «Домулла Ҳoқим эшон алайҳи ўғли мулла Алимуллоҳ» ёзуви мавжуд. Санаси ҳижрий 1267, милодий 1850-1851 йиллар.

Юқорида билдирилган фикрларга таяниб, Гараша саййидларининг бир қисми XVII аср oхири, XIX аср бошларида, бир қисми ўша аср ўрталарида қишлоққа қайтиб келган, дейиш мумкин. Фикримизни Гараша жоме масжиди 1814-1815 йилларда қайта қурилгани ҳам тасдиқлайди. Ҳoзир Гарашада саййидлар авлодларидан ташқари, хўжалар, ўзбекнинг туркман уруғларидан бир қанчаси, жумладан, бўғажили авлодлари яшайди.

Ёслатма ўрнида: Агар сизларда Гараша қишлоғи ўтмишига дахлдор бирон-бир тарихий ҳужжат, қўлёзма ёки буюм-ашё бўлса, бизни баҳардор қилинг. Улар ҳақидаги маълумотларни аини кезларда тайёрланаётган Гараша қишлоғи тарихига бағишланган қўлланмага киритишимиз мумкин.

Зафархон ВАЛИХОН
хожи ўғли



Била-сиз, ах-борот ҳеч қачон ҳозиргидек тезкор ва арзон бўлмаган. Илгари бадиий асар ўқиш учун ҳафта-сифатли кино томоша қилиш учун соатлаб вақт сарфлардик. Бугун эса атиги ўттиз сония ичида бизга ҳам кулги, ҳам хулоса, ҳам ҳиссиёт «тақдим» этилмоқда. Бу – «клиппи фикрлаш» даврининг маҳсули. Одамлар узундан-узоқ суҳбатлардан, залворли мақолалардан ва кўп қисмли сериаллардан чарчади. Уларнинг ўрнини тез ҳазм бўладиган, чуқур мушоҳада талаб қилмайдиган роликлар эгаллади. Оқибатда мазмунсиз теленовеллалардан безор бўлган томошабин ижтимоий тармоқларга юзланди. Бироқ улардаги вазият ҳам ҳаминқадар: бир томонда жамият иллатларини ўтқир сатира остига олган ижодкорлар, иккинчи томонда фақат «лайк» ва кўришлар сони учун ҳар қандай қадриятни оёқости қилишга ҳо-

ВИРТУАЛ КУЛГИ ГИРДОБИГА ТУШИБ ҚОЛМАНГ!

Ёхуд вақт кушандасига айланаётган вайнлар ҳақида

Бугунги кунда инсоният тамаддуни бамисоли беш дўймли шиша экран ичига қамаб қўйилгандай туюлади. Боз устига, биз кенгликка интилган сари торайиб, юксакликка талпинган сайин пастлашиб бораётгандекмиз. Тонг саҳардан кўзларимизга офтоб нури иниши ўрнига смартфоннинг совуқ ва жонсиз шуълалари санчилади. Чунки ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг барча жабҳасига қириб борди. Айниқса, вайн деб аталувчи қисқа видеолар миллионлаб кишиларнинг вақтини ҳам, фикрлаш тарзини ҳам түбдан ўзгартириб юборди. Бир қарашда беозор кулгидан иборат бўлиб кўринган бу контентлар ортида аслида қандай ижтимоий манзара яширин? Ниманинг эвзига диққатимизни виртуал дунёга қурбон қиялпмиз?

зиру нозир «контентчилар» тўдаси пайдо бўлди.

Албатта, вайнларнинг ижобий жиҳатларини инкор этиш адолатдан эмас. Улар замонавий медианинг энг эгилувчан шакли. Моҳир вайнерлар коррупция, бюрократия ва оилавий муносабатлардаги муаммоларни шу қадар содда ва лўнда ифодаламоқдаларки, баъзан унинг ўрнини ўнлаб мақолалар ҳам боса олмайди. Буни санъатнинг демократиялашуви дейиш мумкин.

Эндиликда чекка қишлоқдаги оддий йигит ёки қиз ҳам смартфон орқали миллионлаб инсонлар қалбига йўл топиши мумкин. Илгари халққа танилиб, сеvimли санъаткорга айланиш учун йиллаб меҳнат қилинарди. Ижтимоий тармоқлар эса янги-янги истеъдод эгаларини кашф қилиш учун яхши ижодий майдон вазифасини бажармоқда. Аммо гуруч қурмасиз бўлмаганидек, бу соҳада ҳам кишини жиддий ташвишга соладиган жиҳатлар бор.

Бизнинг болагимиз анча бегубор ўтди. Ҳар қалай, сеvimли эртақларимиз,

мультифильмларимиз ва қаҳрамонларимиз бор эди. Фарзандларимиз эса «Орқам ёняпти», «Эр керак, эр», «Сизники торма, меники дутор», «Ҳее сани онангни салён-нийси» каби шармиз сўз-жумлаларни эштитиб-кўриб катта бўлишмоқда ва бу ўта оддий ҳолга айланиб бормоқда.

Дарвоқе, маънавий мезонларнинг емирилиши ва вақтнинг «виртуал ботқоқ»қа сингиб кетиши энг катта фожиадир. Аксарият вайнерлар эса оммавийлик ортидан қувиб, миллий менталитетимизга батамом ёт бачкана қилқларни, катталарни масҳара қилиш ёки аёл шаънини ерга уришни, юқоридаги каби ҳаёсиз сўзларни «кулги» деб тақдим этишмоқда. Бу роликларни фарзандлар ота-оналари билан бир дастурхон атрофида ўтириб, томоша қилишадигани маънавий иммунитетимиз сезиларли даражада заифлашганидан далolat беради. Чунки биз китоб ва театр ўргатадиган тахлилий фикрлашдан узоқлашиб, лаҳзаллик завқ ортидан югурувчи «истеъмолчи»га айланиб қоляпмиз. Айрим вайнлар девор ёригидан сизиб чиқаётган сув каби жамият ахлоқига путур етказмоқда.

Бу жараёнда вақт омили энг хавфли қуролга айланади. Бир неча сониялик роликлар аслида соатларимизни ўғирлаётган «маънавий қароқчи»лардир. «Яна бир кўрай», деган алдамчи истак билан телефонга михланган ёшлар айнан илм оладиган, хунар эгаллайдиган ва порлоқ келажак пойдеворини қурадиган қимматли дақиқаларини беҳуда бой беряптилар. Ҳолбуки, шу пайтгача биронта миллат фақат видео кўриш билан тараққиётга эришмаган.

Тўғри, биз замонавий технологиядан воз кеча олмаймиз. Бироқ восита ва мақсад ўртасидаги чегарани йўқотиш маънавий инкирознинг дебочаси ҳисобланади. Бугунги кунда сермазмун видеороликлар билан бир қаторда, томошабинни фикрлашдан узоқлаштираётган контентлар ҳам оз эмас.

Кино ёки театр инсонни мушоҳадага, қаҳрамон тақдири билан яшашга, ҳаётнинг мураккаб жиҳатларини ҳис қилишга ундайди. Матбуот тафаккурни бойитади, тахлил қилишга ўргатади, сўз бойлигини оширади. Айрим вайнлар эса кўпинча бир лаҳзаллик ҳиссиёт билан чекланиб қолишаёттир. Энг ачинарлиси, баъзи ижод намуналари ахлоқий мезонлардан тобора узоқлашаёттир. Ваҳоланки, бой тарихга эга кино ва театр санъатимиз миллатнинг ҳақиқий маънавий қиёфасини белгилайди. Бу соҳа равнақида умрини бағишлаган фидойиларнинг меҳнати асло зое кетмаслиги керак.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши табиий: нима учун классик санъат турлари бугун бирмунча оқсамоқда ва уларнинг ўрнини ижтимоий тармоқ «ижодкорлари» эгаллашмоқда? Соҳа мутасаддилари бу саволнинг жавоби ҳақида жиддийроқ бош қотиришлари лозим.

Бизнингча, муаммо вайнларнинг ўзида эмас, балки улардан қандай фойдаланишда. Пичоқ билан нон ҳам кесилади, зарар ҳам етказилади. Демак, ижтимоий тармоқлар ҳам инсонни ривожлантириши ёки аксинча, уни тафаккур исрофига олиб бориши мумкин. Шундай экан, бугунги жамият олдида замонавий технологиялардан воз кечиш эмас, улардан онгли равишда самарали фойдаланишни ўрганишдек муҳим вазифа турибди. Одамлар бутун бошли ижтимоий тармокни яхлит ҳолда назорат қилиш, ҳар бир видеони фильтрдан ўтказиш имкониятига эга эмас. Энг самарали фильтр томошабиннинг ички маданияти ва диди саналади.

Вайнлар қуддириши, кайфиятни кўтариши, икки-уч соатлик киносериалларда очиб берилмаган мазмун-моҳиятни ва гоини икки-уч дақиқада томошабинга етказиши мумкин, аммо у тафаккуримизни эгаллаб олмаслиги керак. Кино, театр, китоб ва матбуотнинг ўрнини ҳеч бир қисқа видео тўлиқ боса олмайди. Чунки ҳақиқий санъат инсон қалбида доимо яшайди, вақтинчалик кулги эса бир неча дақиқада унутилади.

Хулоса қилиб айтганда, вайнлар – замон маҳсули. Уларни бутунлай инкор этиш ҳам, ортиқча улуғлаш ҳам хато. Энг муҳими, инсон виртуал кулгиларга ружу қўйиб, ҳақиқий ҳаётни, чин туйғуларни ва маънавий қадриятларни йўқотиб қўймаслиги лозим.

Махсуда МИРЗАЕВА,
журналист

Сиз нима дейсиз?

ТЎХТАШ – ДАНГАСАЛИК(МИ?)

Баъзан ҳеч иш қилгимиз келмайди: на қўлимизга китоб оламиз, на янгиликларга интиламиз. Ва ўзимизга-ўзимиз саволлар бера бошлаймиз: «Нега ҳеч нарса қилгим келмаяпти?», «Нега бошқалар олдинга қараб кетяпти-ю, мен бир жойда депсиниб қолганман?».

Кейин эса бу ҳолатни ўзимизча дангасалик деб номлаймиз.

Аслида-чи? Ростдан ҳам бу дангасаликмидан? Айрим пайтларда инсон шунчаки чарчоқ ҳис қилади. Жисмонан эмас, руҳан зўриқиш сезади. Тўғри одатдагидек гаплашамиз, вазибаларимизни бажараверамиз, лекин маънан аллақачон ҳолдан тойган бўламиз.

Мия асосий организмиз. У ҳам турли босимлардан чарчайди. Узоқ давом этган стресс, ўзини бошқалар билан солиштириш, ички босим – барчаси аста-секин одамни ичидан кемириб боради. Шундай пайтда ҳеч нарса қилгимиз келмайди. Ҳатто оддий вазибалар ҳам оғирдай туюлади.

Аксарият ҳолларда ўзимизни нимагадир мажбурлаймиз. «Ҳаракат қил!», «Бўшашма!», «Ўзингни кўлга ол!» деймиз. Баъзан бу зўрак ундовлар фойда бериши мумкин. Гоҳида инсонга шунчаки тинчлик, тинчланиш керак бўлади. Чунки ҳар доим ҳам югуриб бўлмайди.

Рухият ҳам мушакка ўхшайди. Жуда кўп зўриқса, бир кун чарчайди. Сиртдан қараганда сокин туюлса-да, лекин ичимизда нимадир ғалаён қила-

ётган бўлади. Шундай пайтларда ҳеч нарса қилмай дам олиш ҳам ички тикланишга ёрдам бериши мумкин.

Қизиқ томони, баъзилар айнан жимликда ўзини топади. Узоқ вақт ҳеч нарсага қизикмагандек юрса-да, бирдан ўзгаради. Гўё ичида пишиб юрган фикрлар бир кун ёриб чиқади.

Шунинг учун ҳам инсон ўзини дарров айламаслиги керак. Балки масала дангасаликда эмасдир, мия шунчаки тўхтаб, нафас олишни истаётгандир. Шундай пайтларда ўзингизга «Нега мен бунақаман?», деб савол бериш ўрнига «Менга аслида нима этишмаяпти?» деб сўраб кўришингиз керак.

Эҳтимол сизга мотивация эмас, ҳордиқ керакдир. Сиз кучсиз эмассиз, шунчаки узоқ вақт давомида ичингиздаги оғирликни яшириб келадиган бўлишингиз мумкин. Чунки ҳамма вақт бирдек кучли бўлолмайсиз. Баъзида тўхташ ҳам керак.

Чунки ҳар доим ҳам югуриб бўлмайди.

Райҳона ТОШБОЛТАЕВА,
Ўзбекистон Журналистика
ва оммавий коммуникациялар
университети талабаси

«CHIIILLASH»дан «ЖАНЖАЛ ПАТИР»гача... реклама матнларини ким назорат қилади?



Мисол учун, яхна ичимлик рекламасидаги «Chiiillash» деган ёзувини олайлик. Бу номда на луғавий маъно бор, на имловий қоидаларга риоя қилинган. Тўғриси бу сўзни қайта-қайта ўқисангиз ҳам маъносини тушуна олмайсиз.

Ёки катта йўл бўйида ҳайҳотдек «Анжан қора девзира ош» реклама матнини олайлик. Бутун бошли вилоят номи бузиб ёзилиши бу оддий хато эмас, тилга нисбатан бепарволикнинг яққол кўринишидир.

Яна давом эттираемиз: «Пайпоқ берсангиз, пайпоқ оласиз»... Ҳўш, бу билан нима дейишмоқчи? Рекламада нима тақлиф этилаётгани ёки мижоз қандай манфаат олиши аниқ ифодаланмаган. Кўринадики, мижозни ҳайратга солиш учун мантиқ иккинчи ўринга сурилган.

Сўнгги вақтларда эътиборни жалб қилиш учун «Жанжал патир», «Хотин гилам ювиш учун эмас», «Миянгизга инглиз тилини ўрнатиб берамиз», «Темир хотинингиз меҳрга муҳтож», «Акция

борми, оғриқ?», «Катта боллар мойкаси» каби иборалар ҳам урфга айланди. Албатта, эълонлар эътибор тортиши керак. Лекин бу савиясизлик қилиш мумкин, дегани эмас. Айрим тадбиркорлар ва маркетинглар одамларни ҳайратга солишни реклама самарадорлигининг асосий мезони деб қабул қилмоқда. Натижада шаҳар кўчалари маъносиз, кўпол ва тил қоидаларига зид иборалар билан тўлиб бормоқда. Аслида реклама шунчаки савдо воситаси эмас. У жамиятнинг маданий қиёфаси, тилга муносабати ва эстетик дидини ҳам намоён этади. Ҳар бир баннер, ҳар бир пешлавҳани ҳамма ўқийди, кўради – болалар ҳам, ёшлар ҳам, хорижлик меҳмонлар ҳам. Демак, уларнинг матнлари жамоатчилик онгига таъсир қилувчи омили ҳисобланади. Шундай экан, савол туғилади: шаҳар бедарвозами? Ким қандай истаса, шундай мазмунда реклама жойлаштириверадими? Аслида реклама жойлаштиришнинг аниқ тартиб-қоидалари мавжуд. Матн давлат тили қоидаларига мос бўлиши керак. Шу билан бирга, жамоат ахлоқи ва маънавий меъёрларга зид бўлмаслиги лозим.

Бироқ амалда бу талабларга ҳар доим ҳам риоя этилмаяпти. Кўп ҳолларда масъул идоралар реклама конструкциясининг ўлчами ёки жойлашuviга эътибор қаратади, аммо унинг мазмуни ва савияси четда қолиб кетади. Оқибатда шаҳар муҳитида тил бузилиши, маънавий савиянинг пайсанийи ва кулги ҳолатлар кўпаймоқда.

Ёрни ойнақдин қаранг, ноз уйқуда ётганмикин?
Ёки қилган нолишим уйқудан уйғотганмикин?
Биз тарафга бир келишни ихтиёр айлаб магар,
Ёнида ётганни афсун бирла уйғотганмикин?

Ўйинчақ
Саватий
ҲАМ



Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!



Ориф Алимахсумов
ижросида
«Сўлим»
қўшиғи

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.



«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetaları tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROVI,
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hay'ati – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

G'ulomjon MIRAHMEDOV

Muxabirliklar:

Dilorom XUDOBERGANOVA,
Umida XUDOBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDULLILOV

Boshlarga topshirilish vaqti – 23.30
Toshkent – 23.30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va
shanba
kunlari chiqadi.

Gazeta
«Ishonch»ning
kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:

ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifatli chop etilishiga
bosmaxona mas'ul.

Gazetaning yetkazib
berilishi uchun ubunani
rasmilaylashtirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 228 ta

Shundan: 6 556 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 471 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 201 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-511

1 2 3 4 5 6